ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00207

ҒАЛЛА ВА ТАКРОРИЙ ЭКИЛГАН КАРТОШКАДА ИЛДИЗ КЕМИРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ ИНСЕКТИЦИДЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИ

А. М. Худойқулов
Тошкент давлат аграр университети доценти

М. М. Аблазова
Тошкент давлат аграр университети доценти

Ж. У. Давронов
Тошкент давлат аграр университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада илдиз кемирувчи тунламлардан кузги тунлам (Agrotis segetum Den. et Shiff) нинг ғалла майдонидаги тарқалиши, зарари ва уларга қарши Делта 2,5% эм.к. ва Кинмикс 5% эм.к. кимёвий препаратларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “Фарадис хирмони”фермер хўжалигида тажриба ва кузатув ишлари олиб борилди ва олинган натижалар асосида хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар. Илдиз кемирувчи тунламлар, кузги ғалла экинлари, илдиз бўғзи,ниҳоллар, тугунаклар, жинсий феромонли тутқичлар, вариантлар, биологик самарадорлик.

EFFECTIVENESS OF ROOT ROSE INSECTS IN GRAIN AND REPRODUCTED POTATOES

A. M. Khudoykulov
Associate Professor of Tashkent State Agrarian University

M. M. Ablazova
Associate Professor of Tashkent State Agrarian University

J. U. Davronov
Master of Tashkent State Agrarian University

ABSTRACT

This article provides data on the observation of the spread of the winter moth (Agrotis segetum Den. Et Shiff) from the gnawing moths in grain fields and on the determination of the biological effectiveness of the Delta chemicals 2.5% ae. and Kinmix

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00207

5% k.e. at the farm "Faradis Khirmoni" of the Yukorichirchik district of the Tashkent region and on the basis of the results obtained, conclusions and proposals were made.

Keywords: Gnawing scoops, winter crops, root collar, seedlings, tubers, pheromone traps, variants, and biological effectiveness.

КИРИШ

Дунё олимлари томонидан бошоқли дон экинларига 300 турдан ортиқ зараркунанда ҳашаротлар ёпирилиши аниқланиб, шундан 30 турдан кўпроғи хавфли зараркунанда сифатида қайд қилинган. Бу гуруҳ зараркунандалар ҳар йили 15-20% гача, иқлим уларнинг ривожланиб кўпайиши учун қулай келган айрим йиллари эса 45-50% гача ҳосилни йўқотиш билан бирга етиштирилаётган доннинг сифати ёмонлашувига ва натижада бундай доннинг озиқ-овқат саноати учун мутлақо яроқсиз бўлиб қолишига олиб келади.

Республикамизда 2020 йилда 6,4 млн тонна ғалла етиштирилди. Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.03.2020 йилдаги “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4634-сонли қарори мисол бўлади.

Кейинги йилларда ғалла экинларида сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалардан зарарли хасва, ғалла ширалари, трипслар, шиллиқ қурт, кузги тунлам ва ундов тунламлари республикамизнинг суғориладиган ғалла майдонларига, айримлари эса (кузги ва ундов тунламлари) такрорий экилган сабзавот ва картошка майдонларига ҳам тарқалиб, етиштирилаётган ҳосилнинг сифат ва миқдорига сезиларли даражада зиён етказаётганлиги кузатилмоқда [1]. Ушбу зараркунандалардан ғаллани майсалаш даврида илдиз бўғзини кемириб зарар етказадиган зараркунандалардан бири бу кузги тунламдир.

Кузги тунлам (Agrotis segetum Den. et Schiff) суғориб деҳқончилик қилинадиган ҳудудларда кенг тарқалган зараркунандалардан биридир. Ушбу зараркунанданинг қуртлари 34 оилага мансуб юзлаб экинларга зарар етказади. Ғўза, беда, қанд лавлаги, маккажўхори, ғалла, мойли ўсимликлар ҳамда сабзавот, полиз ва картошка экинлари, шунингдек, печак, ёввойи тожихўроз, шўра, олабўта кузги тунламнинг энг хўш кўрган озуқаси ҳисобланади. Кузги тунлам қуртлари униб чиқаётган ёш экинларни илдиз бўғзини шикастлаб, уруғ паллаларини тешади. Шу билан бирга илдизларни ёки илдиз бўғзи яқинидаги поялариниг кемиради, баъзан майсаларнинг ер устки қисмига ҳам зарар етказади. [5.]

МЕТОДОЛОГИЯ

Илдиз кемирувчи кузги ва ундов тунламларининг ғалла майдонидаги 1 м^2 ўртача миқдорлари (дала ичида ва атрофларида алоҳида ҳисоб қилинди) ҳисобланиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00207

уларни ушбу майдонидаги зичлиги аниқланди. Тадқиқотнинг биологик самарадорилиги Ш.Т. Хўжаев (2004, 2007) услуби асосида, ҳамда Аббот (1925) тенгламаси ёрдамида аниқланди [6].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Илдиз кемирувчи тунламларга қарши инсектицидларнинг самарадорилигини аниқлаш мақсадида Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “Фарадис хирмони” фермер хўжалигининг 5,5 гектарлик ғалла майдонида олиб борилди. Тунламлар устида фенологик кузатувлар олиб борилиб, уларнинг тухум қўйиш, ва янги авлоднинг пайдо бўлиши, қишловга кетиш муддатлари ўрганилди. [3].

Кузги ва ундов тунлами капалакларининг учишини назорат қилишда жинсий феромон тутқичлардан фойдаланилди [5].

Тажриба майдонидаги тўлиқ униб чиққан картошка даласида кузги ва ундов тунламларининг қуртларининг пайдо бўлиши ва нуфузини ҳамда кимёвий препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида кузатувлар олиб борилди. Ҳисобга олиш майдонининг катталиги 1 м^2 ни ташкил қилиб, улар 2,5 га дала бўйлаб, диаганал йўналишда 5 тадан олинди. Бундан ташқари, дала боши ва охирги тугаган жойида яна 2 та майдонча олинди, яъни ҳисоб майдончалари жами 7 тага тенг бўлди.

Унга кўра янги кимёвий препаратларни синовдан ўтказиш мақсадида ООО «MOBEDCO» Узбекистан, фирмасини Делта 2,5% эм.к. препарати олинди. Ушбу препаратга эталон сифатида эса Кинмикс 5% эм.к. препарати олинди. Тажриба учун олинган препаратлар қўлланилган кундан бошлаб назорат кузатувлар 3 кундан бошлаб, таҳлил қилиб борилди.

Натижалар эса қуйидаги 1 жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кузги тунлам қуртларига қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги.
(Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани,“Фарадис хирмони” фермер хўжалиги. 2019 йил март.)

№	Тажриба вариантлари	Препарат-нинг таъсир этувчи моддаси	Сарф меъёри, л/га	Препарат қўллашдан олдин 1 м^2 майдондаги қуртлар сони, дона	Препарат қўлланилгандан кейинги қуртлар сони, дона, кунлар				Биологик самарадорлик, кунлар бўйича, %			
					3	7	14	21	3	7	14	21
1	Делта 2,5% к.э.	Дельтаметрин	0,3	2,0	1,1	0,5	1,2	1,6	58,8	**86,4**	74,3	69,0
2	Кинмикс 5% эм.к. (эталон)	Бета-циперметрин	0,6	1,9	0,8	0,6	1	1,8	68,4	**82,8**	77,4	63,3
3	Назорат *(ишланмаган вариант)*	-	-	2,4	3,2	4,4	5,6	6,2	-	-	-	-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00207

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Делта 2,5% эм.к. (0,3 л/га) препарати қўлланилган вариантда кузатувларимизнинг препарат қўлланилгандан кейинги 3 куни самарадорлик 58,8% ни, ташкил қилган бўлса, 7 кунга келиб энг юқори бўлди, яъни 86,4% ни ташкил эди. Кузатувларимизнинг 14 кунига келиб, самарадорлик 74,3% ни ташкил этган бўлса, 21 куни эса 69,0% ни ташкил этди.

Кейинги вариантимизда Кинмикс 5% эм.к. (0,6 л/га) кейинги 3 куни самарадорлик 68,4% ни, ташкил қилган бўлса, бу вариантимизда ҳам 7 кунга келиб самарадорилик энг юқори бўлди, яъни 82,8% ни ташкил эди. Кузатувларимизнинг 14 кунига келиб, самарадорлик 77,4% ни ташкил этган бўлса, 21 куни эса 63,3% ни ташкил этди.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра кузги ва ундов тунлам қуртларига қарши кураш олиб боришда кузги ғалла экилган майдонда ғаллани униб чиқиш давридан бошлаб, феромон тутқичлардан ўз вақтида ва самарали фойдаланиш уларни сонини бошқаришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ушбу илдиз кемирувчи тунламларга қарши Делта 2,5% эм.к. препаратини гектарига 0,3 л/га ҳисобида ўз вақтида қўллаш орқали юқори биологик самарадорликка эришиш мумкин.

Кузги буғдой экилган, ҳамда ўтмишдош экин сифатида кечки сабзавот ва картошка экилган далаларда илдиз кемирувчи тунламлар кўплаб қишлаб чиқади ва кейинги йил экилган ғўза ва бошқа эртаги сабзавот ва картошка экинларига жиддий зарар етказади.

REFERENCES

1. Пўлатов З ва бошқалар. Ғалла экинларини зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда пестицидларни маъдан ўғитли суспензияга қўшиб ишлатиш. Т. ТошДАУ. Таҳририят –нашриёт бўлими. 2014 й. 3б.
2. Воронин К. Шапиро В.А. Пукинская Г.А. Биологическая защита зерновых культур от вредителей. М. «Агропромиздат», 1988. 198 с.
3. Ларченко К.И., Запевалова С.Б. Пути усовершенствования методов прогнозирования вредителей/ Мат. 15-й науч.-произ.конф. по карантину и защ. Раст. В респ Ср. Азии и Чимк. Обл. Каз. 1975.-С. 22-25.
4. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш ҳамда агротоксикология асослари, Т., “Наврўз” нашри. 2014. 122-132 б.
5. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. Т., “Кўҳи-нур” МЧЖ босмахонаси.2004.18-20б.